



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***

к договору (контракту) от 04.01.2022 г. № 12-09/057110000001

между "Ўзагросуғрта" ДАСК (ОАЖ) Хоразм вилояти дирекцияси и Янгиарик туман МТБ (Марказлашган) на общую сумму 288000,00

Глава

251

Казначейский лицевой счёт

400122860332337091100251023

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4821190			
Январь	288 000,00			288 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>288 000,00</b>			<b>288 000,00</b>

Всего 288000,00 сум

Двести восемьдесят восемь тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 288000,00 сум или 100,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_январь\_ мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Д.Болтаев

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

У.Кутлимуродов

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК  
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ № № 12-09/057110000001**

2022 йил “~~4~~” январ

Янгиариқ туман

“Ўзагросуғурта” АЖ Устави асосида фаолият юритувчи, кейинги ўринларда “Суғурталовчи” деб аталадиган “Ўзагросуғурта” АЖ номидан 2021 йил “04” октябрдаги 05-06/6Ф-31см-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қиладиган Янгиариқ суғурта маркази менежери **Х.Жуманиязов** бир тарафдан кейинги ўринларда “Суғурта килдирувчи” деб юритиладиган **ЯНГИАРИК МТБ** иккинчи тарафдан раҳбари **Д. Болтаев** қуйидаги шартлар асосида мазкур суғурта шартномасини туздилар:

**1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ**

1.1. Суғурталовчи Суғурта килдирувчига мазкур шартноманинг №1 Иловасида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги 2008 йил 21 апрелдаги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарори асосида суғурта хизмати кўрсатади.

1.2. Суғурталовчи мазкур шартномада шартлашилган суғурта мукофоти Суғурта килдирувчи томонидан тўлиқ тўланганидан сўнг суғурта полисининг амал қилиш муддатида суғурта ходисаси содир бўлганда шартнома (суғурта полиси) да белгиланган суғурта пули доирасида Суғурта килдирувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

**2. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ**

2.1. Мазкур шартноманинг №1 Иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (суғурта килдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

**3. СУҒУРТА ПУЛИ**

3.1. Суғурта пули Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли қарори билан белгиланади ва мазкур шартноманинг №1 Иловасида қайд этилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

3.2. Жами суғурта пули **80 000 000 ( Саксон миллион )** сўмни ташкил этди.

**4. СУҒУРТА МУКОФОТИ**

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли Қарорига асосан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (кейинги матнларда “Суғурталаш қоидалари” деб юритилади) 5-иловасидаги суғурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва мазкур шартноманинг №1 Иловасида қайд этилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

Жами суғурта мукофоти **288 000 (Икки юз саксон саккиз минг)**сумни ташкил этди.

4.2. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта килдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек суғурталаш қоидаларининг №4 иловасига мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда суғурталовчида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4.3. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофоти суғурта килдирувчи томонидан суғурталовчига (унинг филиалига ёки суғурта агентига) мажбурий суғурта шартномасини тузиш вақтида пул ўтказиш йўли билан бирйўла тўланади. Суғурта мукофотининг тўланган

куни деб суғурта мукофотининг суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ миқдорда келиб тушган куни ҳисобланади.

4.4. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланганидан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг №1 Иловасида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича электрон суғурта полиси расмийлаштириб берилади.

4.5. Суғурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

## **5. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРINI АНИҚЛАШ**

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

## **6. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ**

6.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

6.4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари”нинг 7-бандида қайд этилган ҳолатлар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди ва суғурта товони тўланмайди.

6.5. Суғурта товони етказилган зарар миқдоридан, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

6.6. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Суғурталаш қоидаларида белгиланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур шартномадаги томонлар учун ҳам тадбиқ қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар мазкур шартнома доирасида бир-бирларига маълум бўлган махфий маълумотларни сир сақлашлари шарт.

## **8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ**

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисларининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

б) суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисларининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва шартнома ва (ёки) суғурта полиси амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда суғурта шартномаси ва (ёки) суғурта полисининг амал қилиши мазкур шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг суғурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

### 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Суғурталовчининг жавобгарлиги ҳисобланган суғурта мукофоти ҳисоб рақамига келиб тушгандан кундан бошланади.

9.2. Томонлар мазкур шартнома ва қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида жавобгар ҳисобланадилар.

### 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

10.2. Томонлар ўзаро розилик асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

10.3. Мазкур Суғурта шартномаси 1 йил мудатга тузилади ва томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради.

10.4. Ушбу шартнома томонлар келишуви ёки улардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан чиқаётган томон иккинчи томонни камида ўттиз кун олдин келишувни бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.5. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сақланади.

Суғурталовчи»

«Узагросуғурта» АЖ Янгиарик

суғурта маркази Янгиарик т. Урганч

кўча 26-уй

Х/Р: 20216000300431724033 МФО: 00549

ИНН: 200408119 «Микрокредитбанк»

АТБ Хоразм вилоят ҳудудий филиали

телефон 62-385-68-21

«Суғурта қилдирувчи»

Янгиарик МТБ

*Остона кич. 1024 Закир 1184*

*ХР: 40012286033233408100281023*

*ИНН: 305155024 ОВҚХ: 92400*

*Шарифий Д. Тошкент ш.*

*Янгиарик т. Ғафуров м.б.*

*ХР: 23402000300100001010*

*ИНН: 201122819*

Менеджер:

Х.Жуманиязов

Раҳбар:

Д. Болтаев





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA  
№\_KL84726402\_**

**1. Loyihaning turi: Shartnoma.**

**2. Loyihaning nomi:** Yangiariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "Uzagrosug'urta" AJ Yangiariq sug'urta markazi o'rtasida Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urta qilish shartnomasi

Loyihada Sug'urtalovchi "Uzagrosug'urta" AJ Yangiariq sug'urta markazi Sug'urta qildiruvchi Yangiariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limiga shartnomaning №1 Ilovasida ko'rsatilgan transport vositalari ya'ni davlat raqam belgisi 90633ABA bo'lgan Damas rusmli va davlat raqam belgisi 90873DBA bo'lgan Isuzi yuk avtomashinalari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining "Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urta qilish to'g'risida"gi 2008 yil 21 apreldagi Qonuni va Vazirlar Mahkamasining "Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urta qilish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida"gi 2008 yil 24 iyundagi 141-sonli Qarori asosida sug'urta xizmatini ko'rsatishi, yuqorida qayd qilingan 2 ta avtomashinalar 40.000.000 so'mdan jami (sug'urta puli) 80.000.000 so'mga sug'urtalashi, Yangiariq maktabgacha ta'lim bo'limi oldindan 100 foiz miqdorida 288.000 so'm sug'urta mukofoti pulini to'lashi lozimligi belgilangan.

**3. Loyiha va ishlab chiquvchisi va kiritilgan haqida ma'lumot:** Loyiha Yangiariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 5 yanvarda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlari ya'ni O'zbekiston Respublikasining "Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urta qilish to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 929-moddasi, Vazirlar Mahkamasining "Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urta qilish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida"gi 2008 yil 24 iyundagi 141-sonli Qarori talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i  
2022-yil 6 январь



U.Navruzov